

# Ёшлар мамлакатдаги демократик ўзгаришларни қўллаб-қувватлайди

# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 январь Шанба. № 3 (14285)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА ТАБРИГИ

Мухтарам биродарлар!  
Аввало, сизларнинг барчангизни юртимизга кириб келаётган муқаддас айём - Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу табаррук байрамни бутун ер юзидаги мўмин-мусулмонлар энг пок ва эзгу туйғулар билан мунтазир бўлиб кутадилар.

Она заминимизга илоҳий марҳамат ёғилган мана шу қутлуғ кунларда ҳар бир инсон, авваламбор, ўз оиласи, ўз яқинларига Оллоҳ таолодан бахт-саодат тилайди, эл-юртда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром, хайр-саховат ҳукм суришини, иймон-эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини сўрайди.

Бу муборак байрамнинг янги аср арафаси - 2000 йил бошига тўғри келгани ҳам бежиз эмас. Бу қутлуғ айёмни руҳан покланиб, олижаноб орзу-умидлар билан кутиб олишимизнинг рамзий мазмуни, илоҳий маъноси бор. Бу ҳам бўлса, Яратганимизнинг бизга ато этган яна бир улуг неъматидир.

Мана шу файзли кунларда одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, беморлар, қарияларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш - му-

қаддас ислом динимизнинг энг улуг фазилатларидандир.

Шу маънода, мен мамлакатимизда бошланган Мурувват кунлари бутун йил бўйи давом этишини истардим. Чунки бундай ўлмас қадриятлар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, уларнинг исломий тарбияси орқали қалбимиздан, юрагимиздан теран жой олган.

Биз - бутун ислом дунёсида буюк хизматлари билан ном қозонган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғионий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг бугунги авлодлари, Истиқлол шарофати билан табаррук Рамазон ҳайити - Ийд ал-Фитрни жаҳондаги барча соф ниятли мусулмонлар қаторида шоду хуррамлик билан байрам қилишга муяссар бўлганимиздан бахтиёрмиз.

Бу улуг ва мўътабар байрам билан сизларни яна бир бор самимий қутлар эканман, барчангизга сихат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга фаровонлик тилайман.

Менинг Оллоҳ таолодан доимо сўрайдиган тилагим - юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг боши омон бўлсин!

Рамазон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!



ИЛМИНГ ИЛК ФАРЗАНДАРИ

## Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислом Каримов 6 январь куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Шухрат Жалилов очди.

Ислом Каримовнинг ишончли вакили, Тошкент Давлат университети ректори Тўрабек Долимов йиғилганларни Президен-

тликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил Ислом Каримов мустақиллигимиз асосчиси, мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат арбоби эканини, айниқса, унинг бошчилигида пойтахтимиз Тошкент миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган гўзал шаҳарга айлантирилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

- \* Ўзбекистоннинг 22 ёшли “бойвачча” талабаси
- \* Италиялик гадойлар тийинга эмас, миллионга ҳам зормас
- \* Ўт билан ўйнашиб оромини йўқотганлар
- \* Никоҳни банк ғазначиларигина муқаддас санаркан



# Ислом Каримовнинг Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашуви

(Давоми. Аввал 1-бетда)

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Пойтахтимиз Тошкентнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти ҳаммамизга аён. Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серкуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намён этадиган Ватанимиз остонасидир, деди Йўлбошчимиз.

Ислом Каримов айтиб ўтганидек Шарқ дарвозаси деб ном олган Тошкент фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этадиган маърифий марказ сифатида обрў қозонган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир.

Юртбошимиз Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, унинг ривожланган саноати мамлакатимиз равнақининг таянч устунларидан бири эканлигини таъкидлади. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 16 фоизи, саноат маҳсулотининг 20 фоизи, ташқи савдо айланмасининг салкам 30 фоизи шаҳар ҳиссасига тўғри келади. Бу ердаги мавжуд 2 минг 350 корхонанинг қарийб 90 фоизи нодавлат секторига тўғри келиши иқтисодий эркинлаштириш борасидаги ишларимизнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган "Ўзкейстрактор", "Ўзсманат", "ЎЗБАТ", "Кокакола", "Спектр", "Ўзтексано", "ЎЗДЭУ электроникс", "ЎЗСамсунг электроникс", "Қабул-Ўзбек Компани" каби корхоналар сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, иқтисодийташқи ривожлантиришга хизмат қилаётганини айтди.

Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди. Кейинги йилларда қад ростлаган муҳташам бинолар, барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустақам кўприклар, кўкalamзор боғлару майдонлар шаҳримиз кўркига-кўрк қўшиб турибди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият бошқарувидаги мавқеини ошириш масаласи ҳақида гапирар экан, Ислом Каримов нодавлат жамоат идоралари орасида

халқимизнинг миллий табиати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг ўрни беқиёслиги, буни пойтахтимизда ташкил этилган 445 маҳалла фаолиятида яққол кўриш мумкинлигига эътиборни қаратди.

Давлатимиз раҳбари пойтахт коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида кейинги йилларда анча ишлар қилинганини айтиб ўтди. Шаҳар бўйича иситиш тармоқлари 327 километрга, газ тармоқлари 1000 километрга, водопровод тармоқлари 250 километрга, канализация тармоқлари эса 600 километрга узайтирилди. Тошкент ГРЭСидан иситиш марказларига 15 километр узунликдаги сув қувури тортилиши натижасида Юнусобод туманидаги хонадонларни иссиқ сув билан, йирик сув тақсимлаш тармоғининг ишга туширилиши туфайли эса Чилонзор ва Акмал Икромов туманлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш яхшиланди.

Ислом Каримов соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқларга тўхталиб, кейинги йиллар ичида пойтахтимизда 15 та замонавий шифохона, 29 та поликлиника ва қатор тиббий пунктлар барпо этилгани пойтахтимизда аҳоли саломатлигини таъминлаш бош масалалардан бири эканидан далолат беришини қайд этди.

Сўзининг якунида Ислом Каримов "Ўзбекистон - келажак буюк давлат" деганда, энг аввало, халқимизнинг, жумладан, Тошкент аҳлининг олижаноб фазилатларига, бунёдкорлик салоҳиятига, эртанги янада ёруғ кунларга бўлган қатъий ишончига суянишини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани "Самарқанд дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Халил Набиев, Тошкент Давлат иқтисодий университетини талабаси Гулчехра Олимжонова, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ходими Зафар Муҳаммадазизов, украин миллий маданият маркази аъзоси Зинаида Соловей, журналист Саида Жўраева истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора юксалаётгани, кенг қамровли ислохотлар жараёни Ислом Каримовнинг давлат раҳбари сифатидаги улкан салоҳиятидан далолат эканлигини таъкидлади. Улар пойтахт аҳлини 9 январда бўладиган Президент сайловида Ислом Каримов номзоди учун овоз беришга чақирдилар.

Бехзод Усмон (ЎЗА)

## Укери МОГАСАКИ, Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ Фавкулотда ва Мухтор элчиси:

— Мен шунга аминманки, ҳурматли И.Каримовнинг раҳбарлик ролисиз, унинг қатъийлиги ва мардлиги бўлмаганида Ўзбекистон ўтиш даври муаммоларини енгиб ўтолмаган бўлар эди. Бахтга кўра, фаровон жамият ва мустақилликни мустақамлаш йўлидаги унинг шахсий хизмати барқарорликнинг таъминлини ва мамлакат халқ ҳужалигининг барча соҳаларини янада ривожлантириш учун мустақам пойдевор яратди. Мен Ўзбекистон Президенти И.Каримов билан шахсан танишиш шарафига муяссар бўлганман ва ҳеч иккиланмасдан айтишим мумкинки, ўз мамлақати, ўз халқи ташвишларини чуқур билладиган бундай давлат етакчисини топиш қийин.

## Профессор Жемшид ГИУНАШВИЛИ, Грузиянинг Эрон Ислом Республикасидаги Фавкулотда ва Мухтор элчиси:

— Шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг кенг қўламада ривожланаётгани мустақилликнинг муҳим қолатларидан бири, барқарорлик ва нафақат иқтисоднинг, балки мамлакат ҳаётининг барча соҳаларининг янада ривожланиши омилдир. Мамлакат тарихининг ҳал қилувчи давридаги чуқур ўзгаришлар халқнинг садоқатли фарзанди ва Ўзбекистоннинг юксак эҳтиромли фуқароси Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари ва чуқур маъноли жўшқин фаолияти билан боғлиқ.

Гру -

рида янгилик, чинакам ҳаяжонли ўзгаришлар шабадаси эсаётгани сезилиб турибди. Бу бамисоли ёрқин келажак шабадасидир.

## Нерри ЮШВАЕВ, АҚШ:

— Ўзбекистон Президенти сайловида хорижда, жумладан АҚШда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари вакилларининг кузатувчилар сифатида иштирок этишлари бундан далолатдир.

Таъкидлаш жоизки, Нью-Йоркда яшаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳам биринчи бор иштирок этган ўтган йилги Олий Мажлисга сайловлар катта шов-шувга сабаб бўлди. Ҳатто ўз биноларида сайлов ўтказган Ўзбекистон Республикаси консулхонаси ходимлари ҳам сайловчиларнинг юксак фаоллигини таъкидладилар. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти сайловида уларнинг юз фоиз иштироки тахмин этилмоқда. Сайловчилар эса, уларнинг эътирофи этишларича кимга овоз беришларини билишди.

Давлат раҳбари сайловида кузатувчи сифатида иштирок этиш мен учун юксак шараф. Ушбу сайловнинг демократик асосда ўтишига ҳеч шубҳа йўқ. Менинг тилагим шундан иборатки, муқобиллик асосида халқ томонидан сайланган Ўзбекистон Президенти илгари бошланган мамлакат иқтисоди, маданиятини ривожлантиришга қаратилган стратегик сиёсатини давом эттирсин. Чунки, бугунги Ўзбе-

# ЭЪТИРОФ

зия жамоатчилиги доимо ўзбек халқининг маънавий ва ижтимоий ҳаётига катта қизиқиш билан қараб келган ва XVII асрдаёқ Алишер Навоийнинг шоҳ асарлари билан грузин тилидаги таржималар орқали таниш бўлган. Бугунги кунда икки халқ ўртасидаги кўп томонлама алоқалар анъаналари янги мазмун билан тўлмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватланаётган Евро-Кавказ-Осиё транспорт йўлига (ТРАСЕКА) лойиҳасига катта қизиқиш билдирмоқда. Бу борада 1996 йилда Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжон ва Грузия раҳбарлари томонидан Темир йўл орқали транзит олиб ўтишга қулай шароит яратиб бериш тўғрисидаги битимнинг имзолангани юқорида айтиб ўтилган лойиҳанинг амалга оширилишидаги биринчи муҳим қадам бўлди.

Белгиланган вазифалар — туб ўзгаришларни амалга оширишнинг илк кунларида 1992 йилнинг декабрида Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Олий Кенгашининг XI сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: "Ўзбекистон давлатининг тез орада ўзига хос қудратга эга бўлишига биз қатъий ишонамиз. Бу буюк давлат ўзига хослик ва анъаналаримизни эътиборга олган, муқаммал тузилмаси билан ўз бойликлари, ўз халқи истеъдодига таянади".

Жаноб Ислом Каримов нутқлари ва асарла-

кистон таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, Тошкент эса кун сайин эмас, соат сайин гуллаб-яшнамоқда. Мамлакатингизда ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида йилига бир неча бор бўламан ва энг сезиларли ўзгаришлар айнан Ўзбекистонда кечаётганига ўз кўзим билан шохид бўлдим.

## Милан ТОМЕШ, Чехия:

— Мен 1993 йилдан буён Тошкентда фаолият кўрсатмоқдаман. Барча оила аъзоларим бу шаҳарни чин қалбдан севиб қолишди ва улар ўзбек халқининг меҳмондўстлигига мафтундилар. Менга мамлакатингизнинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда эришаётган ижобий ўзгаришларининг бевосита шохиди бўлиш насиб этди. Бу ютуқлар биз учун жуда муҳим, зеро, эндиликда биз ўзбек ҳамкорлари билан воситачиларсиз, тўғридан-тўғри ишлаш имконига эгамиз.

Биз Президент Ислом Каримовнинг нафақат Ўзбекистон Республикаси тимсоли эканлиги, балки унинг барқарорлиги ва тадрижий ривожланишининг гарови ҳам эканига ўз кўзимиз билан ишонч ҳосил қилдик. Мен мамлакатингиз фуқароси бўлмасам-да, 9 январдаги сайловда уни қайтадан Президент этиб сайланишига чин қалбимдан тилақдошман. Ушунда у бошлаган ислохотлар ва ишлар мантиқий якунига етказилди.

"Жаҳон" АА материалларидан

## МУҲАММАД АС-САЙИД САЛИМ:

# "Ўзбекистон - катта ўзгаришлар мамлақати"

Халқимиз йирик сиёсий талбир арафасида турибди. Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик кўриш жараёнини нафақат халқимиз, балки халқаро ҳамжамият ҳам катта эътибор билан кузатмоқда. Сайлов жараёнини бевосита кузатиб бориш учун мамлакатимизга халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлардан кўплаб кузатувчилар ташриф буюрмоқда.

Жумладан, Мисрининг Қоҳира давлат университети ҳузурдаги Осиё мамлакатлари бўйича илмий тадқиқотлар марказининг мудири, Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳақида қатор илмий мақолалар муаллифи, профессор Муҳаммад Ас-Сайид Салим ЎЗА мухбирига қуйидагиларни гапириб берди:

— Бу - менинг Ўзбекистонга биринчи сафарим. Албатта, мамлакатингизда бўлажак Президент сайловида кузатувчи сифатида тақлиф этилганидан фойда мамнунман. Гарчи, юртингизда аввал бўлмаган эсам-да, мазкур минтақани ўрганаётган мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг мустақилликдан кейинги босиб ўтган қадамларини мунтазам кузатиб бораман. Илгари Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг қолоқ бир республикаси бўлган

эса, мустақилликни қўлга киритгач, ўзига хос тараққиёт йўлини тутган забардаст суверен мамлакатга айланди.

Мамлакатингизга келиб, кўчаларингизни кезиб, юртдошларингиз чехрасида қувонч ва эртанги кунга зўр ишонччи кўриб қувондим. Бу табиийки, юртингизда тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётганидандир. Мен бир ҳолис кузатувчи сифатида айтишим мумкинки, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда ҳам, ички сиёсатда ҳам қўлга киритаётган барча ютуқлари Президент Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ.

Мутахассис сифатида мамлакатингизда ўтказилган илк Президент сайловини ҳам кузатган эдим. Бу тадбир аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Ҳозирги сайлов жараёнида аввалгисига нисбатан демократик тамойилларни кўпроқ кузатиш мумкин. Масалан, ошкоралик, муқобил номзодларга бирдек шароит яратилиши каби демократик мезонлар кўпроқ намён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ўтказилаётган Президент сайлови ташвиқот кампаниясини кузатар эканман, учта муҳим жиҳат эътиборимни тортди. Биринчидан, сайловолди кампанияси жуда тинч ўтмоқда. Президентликка номзодлар сайловчи-

ларни ўз дастурлари билан таништирар экан, келажакда амалга оширажак ишларини жуда босиқлик ва вазминлик билан баён этипти. Баъзи қўшни давлатларда бўлгани каби, номзодлар бир-бирининг устига мағзава тўкаётгани, куч ишлатаётгани ёки ўзининг мансабини суистеъмол қилаётгани йўқ. Иккинчидан, Президентлик сайлови демократия тамойилларига мос - муқобиллик асосида ўтмоқда. Бу ҳам республикангиз қўлга киритган катта ютуқлардан биридир.

Мамлакатингизда Президент сайловига тайёргарлик жараёнидаги учинчи жиҳат унинг ошкора, рўй-рост, халқнинг кўз ўнгида, ҳеч кимдан ҳеч нимани яширмаган ҳолда олиб борилаётганидир. Сайловга хорижий мамлакатлардан, халқаро ташкилотлардан кўплаб ҳолис кузатувчиларнинг тақлиф этилиши эса Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан яширадиган, ҳусусан, сайлов борасида ҳеч бир сири йўқлигини кўрсатади. Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи сайловда мамлакатингиз равнақига энг кўп фойдаси теккан, муносиб номзодга овоз беради.

ЎЗА мухбири Саидмурод Раҳимов ёзиб олди



## ЁШЛАР КЕЛАЖАККА ОВОЗ БЕРАДИ

Не-не азиз, маърифатли инсонлар шу кунларни орзиқиб яшаган. Халқ эркинлиги, диёримиз мустақиллиги йўлида қанчадан-қанча алломаларимиз қурбон бўлдилар. Бу буюк неъматга эришганимиздан кейинги саккиз йил мобайнида юртимизда улкан ўзгаришлар, ютуқлар қўлга киритилгани сир эмас. Янги техника ва технология ривож топиб, ҳар соҳада имкониятлар кенгайди, тажрибали кадрлар масаласига эътибор қаратилди. “Умид” жамғармаси туфайли тенгдошларимиз жаҳоннинг турли ривожланган мамлакатларидаги нуфузли олий ўқув юртиларида ўқиётганлиги ҳукуратимиз ёш авлодга катта ғамхўрлик кўрсатаётганидан далолатдир. Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар асосини аждодлар эзгу ниятларини амалга ошираётган жонкуяр Президентимиз эканлигини биз ёшлар унутмаймиз. Мен келажакимизни ўз қўлимиз билан яратишимиз учун замин яратаётган Президентликка номзод Ислон Абдуғаниевич Каримов учун овоз бераман.

**О. ҚАРШИЕВ,**  
Тошкент давлат  
техника университети  
V-курс толиби

Хизмат сафари билан ҳамдўстлик давлатларида бўлиб, у ердаги таълим тизимини ўргандим ҳамда юртимиздаги ва собиқ



## 9-ЯНВАРЬ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

шўро республикаларидаги соҳага оид ўзгариш осмон билан ер қадар эканини англаб етдим.

Тўғриси айтиш керак, ҳозир ҳамма давлатларда ҳам таълим соҳасига бу қадар катта эътибор берилмаган. Айни дамда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўн фоизи шу соҳа ривожига йўналтирилмоқда. Таълимдаги ислохотларнинг дастлабки илдам олимлари эса ҳозирдан ўз натижасини бермоқда. Кўплаб олий ва ўрта махсус ўқув юртилари, мактабларда янги ўқув дастурлари жорий қилинди, ўқув қўлланмалари яратилди, халқаро меъёрларга мос бўлган давлат таълим стандартлари ишлаб чиқилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари сингари янги-ча таълим масканларининг сони тобора ортиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлашнинг ўзбекча модели ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатларда ҳам қўлланилиши мумкинлигини бугун барча чет эллик экспертлар эътироф этишмоқда.

9 январь куни ўтказиладиган сайловда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топишида ҳисса қўшган инсон учун овоз берамиз.

**Нафиса САЙИДАҲМЕДОВА,**  
ўқитувчи



## БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДАЛАРИМИЗ

Бугун Истиқлолнинг юртимизга, халқимизга берган буюк неъматлари тўғрисида ҳар қанча гапирсак-да оз. Қисқа вақт ичида қўлга киритилган асрларга татигулик оламшумул ютуқларни бутун жаҳон эътироф этмоқда. Лекин энг асосийси халқимиз миллий онг, миллий ғурур, ўзликни англашдек муқаддас тушунчаларнинг моҳиятини англаб етди. Бундай эзгу ва хайрли юмушларнинг ташаббускори эса Президентимиз Ислон Каримовдир. Ватанимиз тарихида катта сиёсий аҳамият касб этган жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳам жуда оз фурсат қолди. Халқларига дарддош, елкадош бўлаётган, юртнинг энг фидойи кишиси учун овоз бериш бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**Ноила ИСКАНДАРОВА,**  
1-ТошМИ талабаси

## “УМИДИМ - ЁШЛАР”

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг “Академия” нашриёти янги йил арафасида Соғлом авлод йилига бағишланган “Умидим - ёшлар” деб номланган мўъжаз китобчани чоп этди. Ушбу китобчадан Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ёшлар

ҳақидаги, уларнинг тарбияси, буюк келажакни яратишдаги масъулияти, вазифалари ҳусусидаги фикрлари ўрин олган. Бу фикрлар миллат шуқуҳи бўлган соғлом авлод тарбиясига масъул каттаю кичик учун муҳим йўлланма бўлиб хизмат қилади. Китобча ёш авлод ҳаётига оид рангли фотосуратлар билан безатилган.

(ЎЗА)

*Саида Рафиқова 22 ёшда. Тошкент педиатрия тиббиёт институти 6-курс талабаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиясининг тиббиёт доришunosлик ва жисмоний тарбия йўналиши бўйича 1999-2000 ўқув йилидаги совриндори. Ўз она тили ва рус тилидан ташқари инглиз, немис тилларини мукаммал биледи. 1998-1999 ўқув йилларида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ибн Сино номидаги давлат стипендиясини олган.*

— Саида илмий ишингизнинг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?

— “Болалар асаб касалликлари генетикаси” мавзuida илмий тадқиқотлар олиб бориаяман. Ҳозир ақсарият касалликлар болаларга айнан ота-онасидан ўтмоқда. Сир эмаски, кейинги пайтларда яқин қариндош-уруғлар ўртасида ниқоҳлар кўплаб қайд этиляпти. Бу эса ирсий касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

— Болалар шифокори мутахассислигини танлашингизга нима сабаб бўлган?

— Онамлардек етук шифокор бўлмоқчиман. Касбининг бутун сир-асрорлари, пасту баланди ҳақида онам кўп гапириб беради. Болаларнинг саломатлиги сенинг билимингга, маҳоратингга боғлиқлигини, ўзингнинг кераклигини ҳис этишдан ҳам катта бахт борми?!

— Сизнинг ширингиз қан-

дай? — Ҳар доим, ҳар қандай шароитда мақсад сари олға интилиш.

— Мақсадингиз-чи?

# САИДА

— Ўз соҳамни мукаммал билиш, имкониятга қараб жаҳоннинг энг тараққий этган мамлакатларидан бирида ўқиб, ўз малакамни ошириш.

— Президентимиз 2000 йилни “Соғлом авлод йили” деб эълон қилди. Бунга сизнинг муносабатингиз қандай?

— Болаларнинг соғлиги — юрт бойлиги. Ватанимизнинг эртанги кунни, тараққийоти болаларнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамоллигига боғлиқ.

— Болалар шифокори бўлиш учун фақатгина пухта билим ва малаканинг ўзи етарлими?

— Йўқ. Бундан ташқари болалар билан тил топа олиш, ҳатто руҳшунос бўлиш ҳам керак. Чунки болаларни муолажа эмас, энг аввало ширин сўз даволайди.

— Муваффақиятингизнинг сирини нимада деб биласиз?

— Киши вақтдан унумли фойдалана билса, ҳаётда кўп нарсага эришиши мумкин.

— Сизнинг тенгқурларингиз севги-муҳаббат ҳақида кўпроқ “бош қотириб” юришади?

— Ҳаёт фақат муҳаббат, ҳис-туйғудан иборат эмас. Ёшлиқда қўйган ҳар

бир қадам келажак учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

— Камчиликларингизни қандай енгасиз?

— Камчиликсиз одамнинг ўзи йўқ. Фақат ирода ва ўз-ўзимга танқидий муносабатда бўлибгина камчиликларимни енгаман.

— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

— Расм чизаман, компьютерда ишлайман. Сув спорти билан шуғулланаман.

**Назокат УСМОНОВА**  
суҳбатлашди

## ЧЕКСИЗ ЭЪТИРОМ РАМЗИ

Сурхондарёликлар дориламон кунларни Ватан тақдири ва тараққийоти учун толмас курашчи, барча ислохотларнинг ташаббускори, халқпарвар Юртбошимиз Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини эътироф этишмоқда.

— Биз ёшлар хурматли Президентимиз Ислон Каримовни энг яқин ғамхўримиз деб биламиз, - деди вилоят “Камолот” жамғармаси раиси А.Бўриев. - Сайлов арафасида Маннон Уйғур номидаги вилоят муסיқали драма театри биносида республика “Камолот” жамғармаси ва унинг вилоятдаги бўлими ҳамкорликда ўтказган “Биз Президент фарзандларимиз” форуми Президентимизга нисбатан чексиз эътиромнинг ифодаси бўлди. Вилоят ёшлари Ўзбекистон ва ёшлар келажаги учун фидойи инсон Ислон Каримовнинг номзодини кўрсатишларини айтишди. — Юз ёш билан юзлашяпман, - дейди кекса сайловчи Муҳаммад бобо Турсунов. - Доимо юртнинг тинч ва омонлигини тилайман. Биз учун тинчликдан кўра қимматлироқ бойлик йўқ, бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, дейди халқимиз. Эл-улуснинг бахтига Ислон ўғлим омон бўлсин, унинг учун овоз бераман.

**Мусурмон ТИЛАКОВ,**  
“Туркистон-пресс”

## ЭРТАНИНГ ОЙДИН УЙЛАРИ

ми бошқармасининг бошлиғи Раҳматилла Мусурмонов “Туркистон-пресс” мухбири билан суҳбатда. - Мустақиллик берган неъмат, изланувчанлик ва иждокорлик натижасида дарс беришнинг янгидан-янги шакл ва мазмунлари юзага келди. Айни пайтда Шаҳрисабз туманидаги А.Навоий номи 32-ўрта умумтаълим мактаби ЮНЕСКО дастури асосида чет элнинг илғор таълим тизимини бошқариш методлари асосида синовдан ўтмоқда. Бу борада қўлга киритаётган ютуқларимиз мамлакатимизда таълим тизимидаги ислохотларнинг изчил амалга ошаётганидан дарак беради.

Иқтидорли болалар билан ишлашга алоҳида эътибор ҳам бугунги кун талабидир. Айни

қоғда вилоятимизнинг 10 нафар ўқувчиси АКСЕЛС уюшмаси орқали АҚШдаги ихтисослашган мактабларда таҳсил олиб қайтди. Махсус дастур асосида шу ўқув йилида чуқурлаштирилган билим берадиган синфлар ва ихтисослашган мактабларда 127 минг ўқувчи билим олаётир. Мактабларда фанларни ўқитишга қўйилган талабнинг ортиши, янги педагогик ва инфорацион технологиялардан кенг фойдаланиш етук кадрлар тайёрлаш ишида катта натижалар берапти.

Ҳозирги дориламон кунларимиз-у, ўзининг бетимсол ютуқлари билан жаҳонда ўрнини топиб бораётган юртимиз равнақи Ислон Каримов номи билан чамбарчас боғлиқ. Фарзандларимиз камоли, халқимизнинг омонлиги, ҳаётимиз фаровонлиги учун шу азиз кишидан бошқага овоз беришни тасаввур қила олмайман.

“Туркистон-пресс”



Бундай сарлавха остида Россиянинг "Телефорум" журналининг ўтган йилдаги охири сониди машхур ёзувчи ва журналист Валерий Турнинг мақоласи чоп этилди. Мақола "Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" ҳужжатли фильмига ёзилган тақриз. Аниқроғи, бу муаллифнинг енгил бўлмаган йилларимиз, ёш мустақил давлатларнинг янги кўриниши, маълум бир инсон, ўз Ватани тақдирига бўлган масъулиятни тўлиқ ўзгарданига олган йўлбошчи ҳақидаги холис фикрларидир.

Ўзбекистонлик ҳужжатли фильм усталарининг бу лентаси "Евроосиё телефоруми" номи билан ўтган йилнинг ёзида Москвада МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари телевизион фестивали доирасидаги ахборот намойишида иштирок этган. Имонимиз комилки, у танлов дастурига ҳавола этилганда, фестивалнинг асосий соvrиндорларидан бири, шубҳасиз, кейинчалик тўлиқ ҳажмда Россиянинг ТВ-6 телеканали орқали намойиш этилган бу фильмга берилди. Буни "Жаҳон" ахборот агентлиги баъзи қискартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этаётган, "Телефорум" журналида чоп этилган мақола яна бир бор таъкидлайди.

Мен фильмлардан бири: "Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" фильмини кўрганимдан сўнг олган таассуротларимни сўзлаб бермоқчиман. Бу жуда оғир меҳнат. Фильм билан нафақат телетомошабинлар, балки бизнинг сиёсатдонларимиз ҳам танишишса фойдадан холи бўлмас эди. Фильмда рамзий режа бор: кимнингдир қўли қум соатни айлантормоқда ва вақт — қум тескари томон оқиб бормоқда.

Фильмнинг аввалида бош титри

бироз чўчилади: лойиҳа муаллифи — Ўзбекистон Президенти. Демак, расмий маълумотлар? Демак, очиқ сиёсат? Мутлақо ундай эмас. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" — мулоҳаза қилиш фильми, огоҳлантириш фильми (айтилган ибора учун маъзур тутасиз).

Ислом Каримовнинг китоби фильмга нисбатан баҳо берганда "президент" адабиёти деб номланадиган классик камчиликлардан холи. Унинг моҳияти ўз шахсиятини намоян қилиш эмас, давлатнинг эришган ютуқларини мадҳ этиш эмас (гарчи Ўзбекистонда фахрланса арзийдиган

## ДОНО СЎЗЛИ АҚЛАМИ ФИЛЬМ

нарсалар кўп бўлса ҳам). Китобнинг асосий мазмуни — мамлакат келажаги, унинг маънавий янгилашиш йўллари ҳақида мулоҳаза қилиш. Келажакни куриш учун уни кўра билиш, туза билишнинг ниҳоятда муҳимлиги, бу даврнинг асосий талаби эканлиги ҳақидаги сўзлар янграмоқда. Айнан қуйидагича ифодаланган: "Келажакни яратиш — дунёдаги энг оғир иш".

Ислом Каримов (ва фильм муаллифлари) келажакка йўлни енгил кўрмаяптилар. Аксинча, улар Ўзбекистонни писиб ётган хавфлар ҳақида кўп ва рўйроқ мулоҳаза қиладилар. Марказий Осиёнинг қалбида жойлашган Ўзбекистон кўпинча бир-бирларини тушунмай қоладиган турли цивилизациялар ўртасида қалқон бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам мен юқорида бизнинг сиёсатдонларга ўзбекистонлик кино усталари суратга олган фильми кўришни тавсия этган эдим.

Ҳозирда Ўзбекистон — дунёвий давлат. Лекин у ислом фундаментализми марказлари яқинига жойлашган Тожи-

кистон билан чегарадош. Тожикистон (афғонистонлик, покистонлик) диний мутаассибчиларнинг орзу қилган ўлжаси. И.Каримов Душанбада дунёвий ҳукумат қулса, ҳукумат тепасига ваҳобийлар келса, улар Фарғона орқали бой Ўзбекистонга ёпирилиб келадилар ва мараз кенг тарқалиши мумкинлигини айтди. Ислом Каримовнинг китоби 1997 йилда ёзилган, ўшандаёқ у хавфдан огоҳлантирган эди. Афсуски, унинг огоҳлантиришлари бугунги кунда, янги аср арафасида, тўлиқ амалга ошмоқда.

И.Каримов фильмда ваҳобийлар-

олинган эди. Президент қадимги мақолни ўз ўрнида қўлайди: "Янги уйни қурмай — эскисини бузма".

Агар мендан бир оғиз сўз билан "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" фильмига таъриф бериш сўралса, мен шундай деган бўлардим: ақлли фильм. Экрандан доно сўзлар янграйди, суҳандон матнига ва синхрон ёзилган лавҳаларга доно фикрлар киритилган. Балки кимгадир деярли бир соат давомда сиёсий мулоҳаза ва фикрларни тинглаш зерикарли туюлар. Эҳтимол, эҳтимол. Бу кўпроқ фильмнинг камчиликларини эмас, балки ўзининг заифлигини эътироф этиш бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, фильм фақат ўзбекларга мўлжалланган эмас. Унда маданиятларнинг бир-бирига таъсири, уларнинг ажралмаслиги, табиий бирлиги ҳақида кўп гапирилади. Умар Ҳайём шеърлари билан бирга Гётеннинг мисралари, Гегелнинг сўзлари янграйди ва бу сунъий бўлмаган, бир-бирига узвий боғланганга ўхшайди. Қахрамон Президент бўлган фильми тайёрлаш нақадар оғирлигини инобатга олганда, фильм ижодкорлик билан суратга олинган. Камина қулингиз буни ўз тажрибасидан яхши билади. Тўсатдан киши ўзини шундай назорат қиладими, (ташқаридан ҳам!), ҳаттоки ўзинга ҳайрон қоласан, четга чиқишга эса кўрқасан. "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" фильми муаллифлари ўзларини ичдан эркин ушлашга муваффақ бўлганлар.

**Валерий ТУР,**  
"Телефорум" журнали №4  
(**"Жаҳон"** АА томонидан нашрга тайёрланган)

## ИБОДАТНИНГ УЛУҒИ - САХОВАТ

**Юртимизда Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Мурувват ўн кунлиги" давом этмоқда. Муборак Рамазон ойининг учинчи даҳасига тўғри келаётган бу кунларда эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, беморлар, етим-есирлар ва ёлғиз қари-ялар ҳолидан хабар олиниб, уларга меҳр-мурувват кўрсатишда, хайру эҳсонлар қилинмоқда. Мамлакатимизнинг барча шаҳар-қишлоқларида, маҳаллаларида хайр-саховат тadbирлари билан бир қаторда, инсон-парварлик, саховат, дўстлик, меҳрибонлик, меҳр-мурувват мавзусига бағишланган кўргазмалар, театр, концерт томошалари ҳам ташкил этилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуриндаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Фозил қори Собиров ана шу тadbирнинг моҳияти хусусида сўзлаб берди.**

— "Мурувват ўн кунлиги"нинг улуғ айёмга - Куръони Карим нозил бўлган Рамазон ойининг охириги даҳасига тўғри келаётганида олий бир рамз бор, деди суҳбатимиз аввалида домла. — Пайғамбаримиз айтадиларки, Рамазоннинг охириги ўн кунлигида меҳр-мурувват, оқибат, яхшилик ва савоб ишларни кўпайтириш, Қадр кечасини қидириш, Оллоҳ ҳар бир қилган яхши ишларингизни давомли этади. Қадр кечаси айна шу кунларга тўғри келади. Бу кечада қилинган ибодат минг ойлик ибодатдан савоблироқдир, деган ҳикматда катта маъно бор.

Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаёти ҳам оят ва ҳадисларга жуда мос келиб турибди. Бировлар 2000 йил қандай келаркан, деб шубҳаланиб ўтир-

ган пайтда Юртбошимиз уни Соғлом авлод йили, деб эълон қилди. Бунда эртанги кунимизга буюк бир ишонч бор, яхшилик қилишдан толманг, деган улуғ маъно зоҳир.

"Мурувват ўн кунлиги"нинг эълон этилиши ҳам шундай савобли ишлардан бири, балки энг улуғидир. Зеро, одамнинг бошқаларга мурувват кўрсатиши, қўлидан келганча яхшилик қилмоғининг ўзи савоб, эзгу иш. Лекин бошқаларни ҳам унга даъват қилиш, хайр-саховат, эҳсон йўллари кенг очиб қўймоқ янада савоблироқ, эзгу амаллардандир. Зотан, "Оллоҳ муҳсин (эҳсон қилишни яхши кўрадиган) бандаларини яхши кўради", дейлади ояти каримада.

Президентимизнинг яхши ният билан бошлаган бу хайрли ишларида катта маъно ва ўзига хос тарих ҳам бор. "Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак" деган ҳикмат айнан Йўлбошимизга тегишли эканлигини эслайлик. У киши бу ҳикматни ўзларига шior этиб олганлар ва ўзлари унга доимо амал қилиб келмоқдалар, бошқаларни ҳам шу хайрли йўлга даъват этмоқдалар. Оллоҳ эса савобталаб бандасини севади. Пайғамбаримиз ҳам "Битта етимнинг қорнини тўйгазиб, бошини силаган одам билан мен жаннатда мана шундай биргаман", деб иккита бармоқларини бирлаштириб кўрсатганлар. Юртбошимиз ғарибларнинг бошини силашда, уларга ғамхўрлик кўрсатишда барчамизга намуна бўлаётир.

Яқинда Рамазон ҳайитини байрам қиламиз. Диний байрам бўлса ҳам, унда миллий ўзига хослигимиз кўриниб туради. Ҳайит кунини ҳар бир мўмин қариндош-уруғлари, дўстларини зиёрат қиладди, бемор ва эҳтиёжман-

ларнинг ҳолидан хабар олади. Еш қизчаларимизнинг келин кўриш маросими-чи! Шу боис уйда дастурхон тузаб қўйилиши одат. Безътибор қолмайлик, кўни-қўшниллар, маҳалла-кўй орасида дастурхондан хижолат тортадиган одам бўлмасин.

Ҳотами Той бутпараст бўлган, лекин беқиёс саҳийлиги боис у кишига парвардигор жаннатдан жой ато қилган экан. Зеро, ибодатнинг улуғи саховатдир. Пайғамбаримиздан сўрабдилар, "Е, Расулуллоҳ, ўқиган намозимиз, тутган рўзаларимиз, қиладиган бошқа ибодатларимизнинг қабул бўлиши нимага боғлиқ?" Пайғамбаримиз айтибдиларки, бир-биримизга кўрсатадиган меҳр-оқибатга, мурувватга боғлиқ. Одамлар бир-бирига меҳр-мурувватли бўлмас экан, қилган ибодатлари маъносиз бўлиб қолаверади. Инсоннинг кўнглида меҳр-мурувват, саховат йўқ экан, унинг рўза туттишидан, ибодат қилишидан фойда йўқ. Ота-онага меҳри бўлмас-да, намоз ўқиса, қўшни билан гаплашмас-да, рўза тутсаю, имкони бўла туриб, етим-есирнинг бошини силамас, унинг ибодатидан, рўзасидан нима маъно!

Мурувват одамларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнглилардаги раҳм-шафқатни кўпайтиради. Шу боис "Мурувват ўн кунлиги" шунчаки расмий тadbир, маросим эмас, балки кўнгли бойлигини намойиш этадиган имкониятдир. Бу ишнинг бошида Ислом Каримовнинг турганлиги эса янада қувончли.

**ЎЗА мухбири Мусулмон НАМОЗ ёзиб олди**

Янги одам дунёга келди. У кўп қутилган эди. Тўғрироғи фарзанд қутаётган ҳар бир хонадон тасодифий бахтни умид билан қутишарди. Эътироф этилишича, ҳар минг йилликнинг сўнги йилида туғиладиган болалар ақли, зеҳни, ўз юртининг фидойилари бўлиб етишар экан. Бундан ташқари ер, қуёш, ой сайёраларининг ҳар 350 йилда бир-бирига яқинлашуви натижасида буюк инсонлар дунёга келаркан.

Кизик, 2000 йилнинг биринчи меҳмони ким бўлар экан? Худойбердиевлар оиласида

фарзанд билан ёш ота Камолдинни табриклади.

— Икки мингинчи йилнинг биринчи кунини туғруқхонада янги меҳмон билан қутаман, деб ўйламагандим. Жуда хурсандимиз, айниқса, Камолдин акам. Чунки биринчи фарзандимиз ўғил бўлди, - дейди Зухра.

— Уғилчамиз 3 кг 200 гр туғилди. Уша кунни менга ёрдам берган шифокорлардан Саида опа ва Муҳаббат опалардан бир умрга миннатдорман.

Бу ёруғ оламда фарзанд оилага бахт келтиради. Уйга ёруғлик, хурсандчилик олиб ке-

## ЙИЛНИНГ ИЛК ФАРЗАНДАЛАРИ

одатдагидек ҳамма байрам юмушлари билан банд. Бирови дастурхон тузаган, бирови тандирдан иссиқ нонларни узаяпти, Зухра эса эрталабдан ўзини ноҳуш сезарди. Худди ҳозир дард тутиши керакдек, қалб тўрида асраб юрган ҳомиласи типирчилайди. Бўлажак онанинг кўнгли безовталангани бежиз эмас экан. Кечки соат ўнларга бориб Зухрани дард тутди. Байрамни қутишга йиғилишган қариндош-уруғлар уни дарров Акмал Икромов туманидаги 10-туғруқхонага олиб боришди. Навбатчи шифокорлар Зухрани алоҳида хонага жойлаштиришди. Ҳаммадан ҳам бўлажак ота Камолдиннинг ҳаяжон босган. Унинг янги йилни туғруқхонада ўтказиши хаёлига ҳам келмаганди. Янги йил ҳам кирди. Шаҳар соатлари тунги ўн иккига бонг урди. Бир дақиқадан сўнг эса бутун туғруқхонани чақалоқнинг ингиси эгаллади. Ҳамшира чиқиб икки аср орасида туғилган

лади. Ахир уларнинг қувончли кулгусидек кулгу бебаҳодир.

Чақалоққа Олимжон деб исм қўйишди. Ўзбек халқи нима деб дуо қиладди? Бола дунёга келса, ўз элининг гурурини кўтарувчи полвон бўлсин, дейди; илм ўрганиб, юрт тараққиётини кўтарувчи инсон бўлсин, дейди. Олимжон ҳам ота-ониси ният қилганидек халқига фидойи фарзанд, ўзбек миллатини дунёга танитувчи, унинг истикболини кўтарувчи олим бўлсин.

Сўнги хабар: Тошкент шаҳри бўйича янги йилда туғилган болаларнинг рўйхатига назар ташласак, яна икки оилага бу бахт насиб қилибди. Алишер Абдуллаев ва Музаффар опалар уч қиздан кейин ниҳоят ўғилли, 19 ёшли Юлия Аюпова эса жажжигина қизалоқнинг онаси бўлди.

**ЗИЁДА,**  
"Туркистон" мухбири



**Биринчи кўриниш:**

Боболаримиз бизга "назарингни паст қилма" деган сўзни кўп такрорлашган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида, худудий дарвозалар очилиб, тижоратчилар турли мамлакатларга чопишди. Бозорларимизни ўша юртларда тайёрланган "қўлбола" кийим-кечаклар, печеньелар, сақичлар босиб кетди. Кўшнинг оши ширин деганларидек, бирдан сақич чайнашга тушди. Олиб кийган кийимларимиз бир ювишга чидамай, титилиб кетади. Печенье дегани ёнвучи моддалардан иборат эканлиги исботланди. Кўп зарар келтирадиган сақич (жевачка) бўлди. Болаларимизнинг тишлари мўртлашди.

Епирилиб келган, ўз бозоридан сиқиб чиқарилган неки бўлса, биз томон оширилди. Ўзга юртларда ўтмаган мол биз учун азиз бўлди. Назаримиз баландлик қилмади.

Ўғлим Мисрдан келадиган бўлди. Вақти аниқ. Тошкент аэропортига етиб бордим. Одамлар биринкетин аэропорт биносидан ташқарига чиқяпти. Ҳар бирида камида учта-тўрттадан зил-замбил гилдиракли жомадон. Елкасида юк халтаси. Кутиб олувчилар қариндош-уруғи билан сўрашади-ю, кўзлари жомадонда. Энг охирида халтасини кўтарганча, бир қўлида даста китоб билан ўғлим чиқиб келди. Кўришдик. Аммо кўзларим оғайнилари олиб келган юклардан узилмади.

Ўғлим келганини ўғлим куп-қуруқ келдими деган ўй мени тарк этмади.

Ҳозир ўша дақиқадаги ҳолатимни эсласам ғалати бўлиб кетаман. Ўғлим

Бир-бирини тўлдириш ана шундай давом этди.

— Унда ўзингиз айтиб беринг, - дейишди.

— Кўрдинглари, - дедим, - асл мақсадини тополмадинглар. Собик ўқувчи илмий мудар хонасига кирганида, қайси бир устознинг ярим асрлик тўйини ўтказиш устида суҳбат борарди. Утирганлар ўз имконияти даражасида фикр юритишарди. Бундан хабар топган собик ўқувчи, ўтиришнинг дастурхони, совғасаломи менинг бўйнимда деб чиқиб кетди. Шу баҳона жомадони бир ташвишдан кутқарди.

Уйдагилар ўша собик ўқувчи ким деб кисти-босдиға олишди.

Хўш, шундай бўлиши мумкинми? Нега мумкин эмас экан. Ахир ҳаммамиз устозларимиз таълимни, тарбиясини олганмиз. Дасту устозларимиз топганимизнинг бир улушини бу даргоҳга қайтар

да. Ҳавойилик шундан бошланади. Жавобгарлик ҳисси эса сўниб бораверади. Натижада тайёрга айёрлар кўпади. Ўзи топса-чи. Жони ачиб харажат қилади. Топган нарсасининг қадрига етади.

Мени қийнайидиган яна бир муаммо бор. У ҳам бўлса болаларимизнинг бозор-ўчарга йўқлиги. Савдо-савдолашиш маданиятидан узоқлиги.

Эшитишимча, араб мамлакатларида биздай худа-беҳудага сарф қилувчилар кам экан. Уғил бола ўн олтига тўлгач, ўз турмушини ўзи барпо қилиш учун интилар экан. Бизда-чи? Ҳамма нарсани тайёрлаб беришимиз уларнинг интилишини сўндирмайди? Яшаш шундан иборат эканга бормайди? Дунё фақат ота-онанинг орзу-ҳавасидан иборат эмас-ку. Орзу-ҳавас болада уйғонса, эрта умиди билан яшайди. Умид юрагида илдиз отса, эртанги тонгни ишонч билан кутиб олади. Мустақил харажат қилади. Суянч тоғларининг соясида соялараст бўлиб ўтиравермайди.

**Тўртинчи кўриниш:**

Истасак-истамасак, дунё реклама билан тирик. Кейинги йилларда "Чекинг, шубҳасиз ўзимизники" деган тарғибот пайдо бўлди. Бир муддат ойнаи жаҳон ҳам бу билан шуғулланди. Ҳайрият, бора-бора сусайди. Бош ният ўзимизда чиқаётган "Хон" билан "Саратон"ни кўпроқ сотиб олинган иборат. Ҳатто шундай тарғибот ҳам бўлиб ўтди. "Хон" сигарети доналари ичида бирорта зарли дон чикса, катта ютққа эга бўлармишимиз. Ўшанда чекмаган ҳам сигаретни сотиб олди. Очиғи, "Хон" дегани бир муддат талаш бўлди.

Бир қусур янгинаси ўзига эргаштириб юради дейишди. Бу ҳақ гап. Биз бугун унинг аниқ манзарасини кўряпмиз. Ҳозирги кунда ёшлар орасида қайсарлик, дийдаси қаттиқлик, юраги торлик кучаймоқда.

Америкалик болалар вояга етгунча 17 минг, немислар 14 минг котилликни телевизор орқали кўришар экан. Россияда 3,5 соат мобайнида 10 котилликни болалар телевизорда кўришади. Тарбияга келганда рус оиласи боласи учун 37 минут вақт ажратар экан.

Ана шунинг ўзи нимага эйтибор беришимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Киноларда котилликни, қон тўкишни кўрган болалар кўзида қандай қилиб меҳр-оқибат уйғонсин?..

Бу гапларни айтатуриб, завқимиз йўқолиб боряптими деб ташвишга тушасан. Ҳаёт наҳотки, молу-мулк тўплаш, еб-ичишдан иборат бўлса. Ҳамма барабар тушунадиган "романтика" деган сўз бор.

Мен шу ўринда қаламқаш дўстларимга жиндак тегиб ўтмоқчиман, севги, муҳаббат ҳақида ёрқин, лирик шеърларимиз нега камайиб кетди? Ҳазил-мутойибалар ҳақида айтмай қўяқолай? Ҳасратларга ўралган, пахтавон сатрлар қайси қалбни иситади? Айниқса, ёшларимиз бугун эркаловчи сўзларни қидириб қолишди. Жонли мулоқотларни, дилбар асарларни соғинишди.

Гапнинг индаллоси, Мустақиллик бизга ёруғлик берди. Тўфонлар, тўзонлар олдини олиш учун биз камарбаста бўлишимиз керак. Камарбасталик ҳам огоҳликка кирди. Бунга сўзсиз ўзингиз ҳам гувоҳлик берасиз.

**Равшан ФАЙЗ****ОНАМТА ХАМ**

Мурғак кўзларимни қийнаркан уйку, Акамнинг гапларин илғадим элас. У таъриф беришдан тинмасди бир зум: "Тошкент, бу сенга Кўшробот эмас."

У ерда поездлар чинқириб елар Ўзига қурилган темир йўлидан. Сен каби болалар адашиб кетар Акаси юрмаса тутиб қўлидан..."

Сирдошим дарахтлар қулоқ тутди жим Жўралар юзида ҳаяжон, ҳавас, Акамнинг сўзларин минг такрорладим: "Тошкент — бу сизларга Кўшробот эмас..."

Она, бир кун кўшроботлик гапчиноз чоллар Биз ёш-яланг суҳбат учун энг қулай мавзу. — Ризоқулнинг Равшани-чи, деб ёйди хабар, — Шоирликка ўтган эмиш қилгандай орзу...

Яшил-яшил япроқлар саратондан сақлагай Шохларида болаларни аллалар арғумчоқ — бахт. Қушчалар ҳам учиб-қўниб чуғур-чуғур сайрагай, Барчага тенг, баробар саҳий экан бу дарахт.

Она, уни дарахт дедим томирлари мустаҳкам Олис ўтмиш шамоллари вужудни емирган. Лекин олов гармселу совуғида қишнинг ҳам Мағрур тутиб яшаётган, яшайдиган чайир тан.

Энди ҳар тонг менинг ҳам борар уйқумни суриб Томирининг остида поездлари чопган шаҳд, Икки милён фарзандни бағрида тутиб туриб, Икки минг йил кўрган ўша ям-яшил дарахт.

\* \* \*

Шошманг, қишлоғимга кетарман бир кун, Кетарман отамдан қолган юртимга. Ёқавайрон бўлмай, бўлмасдан дилхун Кетарман мен бунда керакман кимга?!

Биламан, қўлимдан тортқилар шамол, Оёғим қўйвормас бу теп-текис ер. Барибир кетарман бефарқ, бемалол, Кетарман, кифтимга қанот бўлар шеър.

Биламан, кетма, деб йиғлайди осмон, Учолмас ўшанда бирон тайёра. Мен эса кетарман шунчалар осон, Кетарман, қайрилмай энг сўнгги бора.

Уйғониб ҳайронлар қоларсиз бот-бот, Хат ҳам қолдирмайман ҳатто ҳеч кимга. Кунчил кўнглингизни этганча обод, Кетарман, отамдан қолган юртимга.

**О Қ И Б А М**

Шеърим, "уйғон" дея бекорга толма, Ухлаётган одам уйқуга тўйсин. Оромини бузиб гуноҳга қолма, Кўйгин, уйқу унинг кўзини ўйсин.

У ҳам бир одам-ку, хотираси бор, Балки болалигин туш кўраётгандир. Балки бедорлардан бўлганча безор Қора гафлатини хуш кўраётгандир.

Ҳар қалай бу сенга боғлиқмас, ахир, Ҳар тугул бизлардан танаси бошқа. Кўз очган бўлсанг гар ўн бешга кириб, У уйғониб қолар ўн олти ёшда.

Индама, бу гафлат то суягига Етиб боргунича бемалол ётсин. Ухлайверсин кўкси ё кўкрагига Юмшоқ кўрпалари тош бўлиб ботсин.

Шунда бисотида соб бўлиб сабр Гафлат бандасининг кўзлари ёнар. Шеърим, ухлаётган одам, бари бир. (Агар тирик бўлса) бир кун уйғонар.

Мен кўрдим бағри кенг манов ҳаётда Айтолмай кўнглида борлигин не гам, Яшаб ўтаётти кучли ҳаётда Уйқуга тўймаган минг-минглаб одам.

Улар-ку, недандир эрта уйғониб Хоб аралаш ҳамон билмас кимлигин. Уйларда ўзаро гафлар солиб, Ташқарида тошни енгар жимлиги,

Шундай... уйғонишдан наф йўқдир сенга Яхшиси қўйгин у хуррагин отсин. Кутгин, у уйғонар тош уйқусидан, Фақат ер кўксига, кўнглига ботсин.

Шеърим, "уйғон" дея бекорга толма, Ухлаётган одам уйқуга тўйсин. Оромини бузиб гуноҳга қолма, Шу кўр уйқу унинг кўзларин ўйсин!

**САСАР БАРНОСЕР****ОГОҲЛИККА ГУВОҲЛИК****(Тўрт кўринишли мақола)**

Ўқишдан келдими, тижоратданми? Намунча молу-мулк қули бўлмасак. Назаримиз пасайиб кетгани ана энди сезилапти.

Маънавият ўрнини манфат босиб олганди. Ўзимизни ўққа-чўққа уриб бўлса-да, латта-путта йиғишга киришдик. Бунинг барчаси эски тузумда ҳақиқий чордевор орасида яшаганимиз оқибатидир.

**Иккинчи кўриниш:**

"Чордевор" деган сўз эски тузумда тез-тез такрорланарди. Бу асосан аёлларимиз тақдирига боғлиқ ҳолда ишлатилар эди. Ота-боболаримиз "Чор китоб", "Чор девор"дан бохабар бўлса, бизнинг билганимиз, онгимизга сингдирилгани чордевор бўлди. Таажжубли томони шундаки, шунга ишонардик. Момоларимиз хўрланганлар деб улар ҳақида асарлар ёздик.

Мени эса бошқа нарса ҳайратга солади. Бу тушунчани қандай қилиб онгимизга сингдириб, ишонтиришган экан? Ё маънавиятимиз шунчалик паситми?

Шу маънода уйда бир тажриба ўтказдим. Дастурхон атрофида суҳбатлашиб ўтириб, бир жумбоқни ечиб беришда ёрдамлашинглр, дедим.

Жумбоғим таърифи мана бундай эди.

— Айтайлик, - дедим, - собик ўқувчи мактаби олтидан ўтаётти, ўз муаллимларидан хабар олгиси келиб қолди. Кирса, ўзини ўқитган ўқитувчилари илмий мудар хонасида тўпланишиб ўтиришибди. Собик ўқувчи устозлари билан сўрашиб, тезда чиқиб кетди. Қани, энди мен бошлаган воқеани келган жойидан давом эттиришлар-чи?

— Уқитувчилар уни танимаган бўлишса керак?

Қизимни фикрини хотиним давом эттирди.

— Балки, ўзини ўқитган устозларини тополмагандир.

— Йўқ, - дедим.

сак нима қилибди?

Бундан бир неча йил олдин газетада кичкина бир хабар ўқигандим. Унда ёзилишича, Андижон туманидаги бир қария сафарига бориш учун умр бўйи Ҳаж йиққанга ўз қишлоғи болалари учун олтимиш ўринли боғча қурдирибди. Болажонлар хурсанд бўлса, менинг ҳажим ана шу дебди. Ўшанда ҳам бу хабарга биров ишонди. Қайбир кимса "бе" деб таажжуб қилди. Ҳолбуки, қария ҳисобидан боғча қурилди. Биз ана шунга жўяли қилиб тарғибот қилмадик. Эзгулик уруғи экилганда уни кенг ёйилишига эйтибор бермадик.

Ҳозирги кунда ҳар бир фуқаронинг имо-ихтиёри ўзида. Лекин тўлиб-тошсанг, элинга, юртинга ҳарж қилсанг, бош савоб шу эмасми?! Фақат бунга огоҳлик керак. Гувоҳлиги — ҳар бир қиладиган ишимизнинг амалиёти. Ишонтириш, санъатини кенгроқ ёйишдан иборат. Яна бир мисол. Матлубахон Азимова деган олима курсдошим яқинда ўн мингдан ортиқ бадиий китобни Ирригация институти таркибидаги 2-сонли умумтехник лицейига ҳамда шаҳардаги 85, 131-ўрта мактабларга совға тариқасида топширди. Маърифатни тарқатиш шу эмасми!

**Учинчи кўриниш:**

Ёшларимиз шиддатли замонга дуч келишди. Баъзилар ўзларини эпполмай қолишди.

Езувчи сифатида кузатганим шу бўлдики, биз катталар кўпинча, болаларимизга оила алифбоси, яшаш мактабини ўргатамиз. Бу нимада кўринади? Оилада бўлаётган сарф-харажатлар ҳақида боламизга маълумот бермаймиз. Улар ҳам бунга қизиқмайди. Дастурхонимиз эса кунда очилади. Йиғиштирилади. Қора қозон эса косам оқармади деб қайнайверади. Бунинг бош сабаби биз катталар асосий юкни елкамизга олиб, болалар тизгинини бўшроқ қўйишимиз-





**Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳар филиали Ўзбекистон халқини ва ўзининг тошкентлик ҳамкорларини муқаддас Рамазон ҳайити ва "Соғлом авлод" йили муносабати билан чин қалбдан муборакбод этади.**

**Уларга тинчлик ва хотиржамлик, бахт-саодат, Ватанимиз мустақиллиги йўлида қилаётган фидокорона меҳнатига муваффақиятлар тилайди.**

## **РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ 2000 ЙИЛ 20, 28 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДА КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗДИ**

Савдоларга Тошкент шаҳар хўжалик суди ва солиқ бош бошқармаси томонларидан тақдим қилинган қуйидаги мулклар қўйилади:

- "Андора" хусусий фирмасига тегишли:
- Токар станог "Курсон-3", бошланғич баҳоси — 1560000 сўм
- Токар станог "1 М-61", бошланғич баҳоси — 390000 сўм
- Токар станог "1624-М", бошланғич баҳоси — 312000 сўм
- Шлифоваль станог "ЗГ 833" бошланғич баҳоси — 577200 сўм
- Шлифоваль станог "2А 73" бошланғич баҳоси — 577200 сўм
- Электроточиль станог "Зк 633" бошланғич баҳоси — 109200 сўм

"Тошчетэлқурилиш" АЖ қарашли 3-сон қурилиш бошқармасига тегишли:

- "МАЗ-551" русумли а/м, бошланғич баҳоси — 425000
- "Т-28" русумли трактор, бошланғич баҳоси — 43000

"Тангум" фирмасига тегишли:

- Шакар ишлаб чиқариш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар бошланғич баҳоси — 57552520 сўм
- Пайвандлаш аппарати "ТДМ-500", бошланғич баҳоси — 263000 сўм
- "Ятрань" ёзув машинкаси, бошланғич баҳоси — 40000
- Темир сейф, бошланғич баҳоси — 320000
- Сейфли шкаф 3 дона, ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 76000 сўм

"Стелс-Люкс" корхонасига тегишли:

- Чўян задвижкалар "Д52" 2 дона бошланғич баҳоси — 68000 сўм
- Задвижкалар "Д100" маркали, бошланғич баҳоси — 425000 сўм

- Задвижкалар "Д250" маркали, бошланғич баҳоси — 212500 сўм
- Иш қўлқоплари 645 жуфт, бошланғич баҳоси — 48700 сўм

- ВАЗ-2102 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 52500 сўм
- ВАЗ-21053 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 266160 сўм
- ТИКО русумли а/м, бошланғич баҳоси - 407000 сўм
- ВАЗ-21093 русумли а/м, бошланғич баҳоси - 250000 сўм
- ТИКО русумли а/м, бошланғич баҳоси - 568750 сўм

"Наврўз-Савдо" МЧЖга тегишли:

- 2 қаватдан иборат, жами фойдаланиш майдони 1644 м<sup>2</sup> дан иборат бино, бошланғич баҳоси 200000000 сўм.

"Нафис" Ажга тегишли:

- Эркаклар сандали 315 жуфт, ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 714 сўм.
- Эркаклар туфлилари 169 жуфт, ҳар бирининг бошланғич баҳоси - 1445 сўм
- Эркаклар туфлиси 1 жуфт, бошланғич баҳоси - 972 сўм.

**Якка тартибда қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 мавзесида жойлашган, ҳар бирининг сатхи 0,04 га тенг бўлган ер майдонлари, бошланғич баҳоси — 269339 сўм.**

**Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркорлар РКМВ Тошкент шаҳар филиали ўз жойлашган манзили ўзгарганига сабабли 2000 йил 12 январда ўтказиладиган ким ошди савдоси 14 январга кўчирилади.**

**Бизнинг манзилимиз:**

**Тошкент ш., А.Навоий кўчаси, 69-уй, (А.Навоий музейи, ўнгқанот, "Ёш томошабинлар" театри ТЮЗ)  
Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73**

Республика ёшларининг "Камолот" жамғармаси, Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли Собир Раҳимов туманидаги 2-болалар мурувват уйида хайр-эхсон тadbирини ўтказди.

Улуғ айём кунлари ногирон болалар аҳолидан ҳол сўраш, уларга маслақдош бўлиш савобли иш. Бизнинг ташрифимиз уларнинг арча байрамга тўғри келди. Ўртада ясатиғлик арча. Атрофида болалар тизилишиб ўйинга тушишяпти. Айниқса, "Ёшлар" гуруҳининг шўх-шодон яллалари уларнинг кўнглини кўтарди.

Тadbирда "Камолот" жамғармаси раисининг ўринбосари Қ.Қуронбоев, жамғарма тасарруфидоги нашрлар раҳбарлари болаларга хайитлик тақдим этишди.

**ЗИЁДА**

**НАВОИЙ.** Ҳомий ташкилотлар вакиллари шаҳардаги реабилитация марказида бўлиб, беморларга кийим-кечак ҳамда совға-салом улашди. Бутун вилоятдаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, якка-ёлғиз қариялар ва ногиронларга меҳр-мурувват ёрдами кўрсатилди.

**ЖИЗЗАХ.** Дўстлик тумани ҳокимлиги хомийлар ёрдамида ўтказилган хайрия тadbирларида 270 хонадонда истиқомат қилаётган иккинчи жаҳон уруши

қатнашчилари, ногиронлар, боқувчисини йўқотган бева-бечоралар ҳолидан хабар олинди. Уларга 6 миллион сўмдан зиёд озиқ-овқат маҳсулоти ва кийим-

**Меҳр қолур,  
мурувват қолур...**

кечак улашилди. "Савоб ишни ҳар ким ва ҳар куни қилиши керак" шиори остида ўтаётган ушбу хайрия тadbирларига вилоят бўйича қарийб 60 миллион сўм маблағ сарфланди.

**ФАРҒОНА.** Шаҳардаги сано-

ат касб-ҳунар коллежида вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳудудий бошқармаси томонидан хайрия тadbирини ўтказилди. Унда вилоятдаги ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган 170 нафардан кўпроқ эҳтиёжманд ўқувчига моддий ёрдам кўрсатилди.

Қизил ярим ой жамияти Фарғона вилоят кенгаши навбатдаги хайрия тadbирини ногирон болалар мактаби тарбияланувчилари ҳузурда ўтказди. Болаларга замонавий ўқув қуроллари, турли совға-салом ва ши-

ринликлар тўхфа этилди. Шаҳардаги Меҳрибонлик уйи кичикинтойларига эса иссиқ кийим-бош ва ўйинчоқлар инъом қилинди.

**ТЕРМИЗ** туманидаги "Дўстлик" ва "Янгиариқ" хўжаликлари қишлоқларида истиқомат қилаётган ногиронлар, етим-есирлар, қаровчисиз қолган оилалар фарзандлари учун Сурхондарё вилояти "Алломиш" жамғармаси хайрия тadbирини ўтказди. Эҳтиёжмандларга турли озиқ-овқат маҳсулотлари, совға-салом, хайитлик улашилди.

**(ЎЗА)**



**УЗА** **КОХИРА.** 5 январь куни Исроил ҳукумати Рамазон ойи сабаб мамлакат қамқоналарида сақланган фаластинлик маҳбуслардан 22 нафарини муддатидан аввал озод этди. Улар Исроилга ноқонуний равишда келгани учун 1 йилга қатъий озодликдан маҳрум қилинган, фақат иккитаси қотилликда айбланиб, 12 ва 14 йиллик қамқоқ жазосига тортилган эди.

Р И М. Италия ва КХДР ҳукуматлари элчилиқ даражасидаги ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор қилди.

Ана шу мақсадда Римда Италия ташқи ишлар вазири Ламберто Дини ва КХДРнинг БМТ Жаҳон озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотидagi вакили Ким Хон Рим ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда ҳукуматларaro дипломатик алоқаларни расман ўрнатиш тўғрисидаги битим ратификацияси ёрлиқлари алмашилди.

**О Л М А О Т А.** Жорий йилда Қозоғистон ҳукумати хусусийлаштириш жараёни давом эттириш ниятида. Қозоғистон Бош вазири Қ.Тоқаев ҳукумат ййгилишида шуни маълум қилди.

2000 йилда Қозоғистон ҳукумати хусусийлаштиришдан олинган даромад ҳажмини 400 миллион АҚШ долларидан оширишни режалаштирган. Ҳукумат дастури бўйича, жорий йилнинг охирига қадар мамлакатдаги нефт қазиб олувчи "Актобемунайгаз" ва "Мангистаумунайгаз" корхоналари, "Қозхром", "Қозғмис", "Қозцик" каби металлургия мажмуалари, "Қозотелеком" ҳамда Халқ банки хусусийлаштирилади.

Ҳозирда Қозоғистонда давлат мулкнинг 75 фоизи хусусийлаштирилган.

**Д Е Х Л И.** Ҳиндистон Афғонистоннинг қарийб 80 фоиз ҳудудини назорат қилаётган "Толибон" ҳаракатини расман тан олиш масаласини кўриб чиқмайди. Ҳиндистон ташқи ишлар вазирига расмий вакили журналистлар билан учрашувда шуни маълум қилди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, Ҳиндистон ҳукумати Афғонистонга нисбатан муносабатини ўзгартирмайди. Яъни, Ҳиндистон Афғонистонда Бурхониддин Раббоний ҳукуматинигина расман тан олади.

**И С Л О М О Б О Д.** Покистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида номаълум жиноятчилар томонидан амалга оширилган кўпуровчилик ҳаракати оқибатида икки киши ҳалок бўлди, 20 киши жароҳатланди. Яраланганларнинг ярмидан кўпини аёллар ва болалар ташкил этади.

Хабарларга кўра, террорчилик

# АЛБЕРТО ФУХИМОРИНИНГ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БУЛАДИ?

Шу кунларда Перу сиёсий ҳаётида баҳс-мунозара авжга чиққан. Мухолиф партиялар ҳозирда булажак президент сайлови ташвишини чекиб, давлат раҳбари Алберто Фухиморининг мазкур сайловда иштирок этишига норозилик билдирмоқда. А.Фухимори ўз номзодини қўйиш-қўймаслиги ҳақида ҳалигача жўяли жавоб айтгани йўқ. Маҳаллий кузатувчилар матбуотда ҳар хил фикрлар билдираётган бўлса-да, масала мавҳумлигича қолаётган. Президентнинг гўёки "иккиланаётгани" мухолифатдагиларга ёқмайпти.

ноан, учинчи бор сайланишим мумкин эмас, деб жавоб қайтарган.

Сўл оқимдаги депутат Хавьера Диеско Кансеконинг фикрича, президент бўлажак сайловда барибир иштирок этади. Чунки бунга аллақачон замин тайёрлаб қўйилган. Аниқроғи, у яратган сиёсий куч, яъни девон унга ҳар қандай йўл билан бўлса-да, шундай имконият яратиб беради. "Перу-2000" альянснинг тузилгани ҳам ана шу йўлдаги ҳаракат бўлди. Энди бу альянс ягона номзодни қўллаб-қувватлаши керак. Ушбу номзод учун эса Албер-



Чунки, у булажак сайловда ўз номзодини қўймаслиги ҳақида бирор гап айтмаган. Шу билан бирга, кўяман, дегани ҳам йўқ.

Аммо, у шунга яқин ҳаракат қилди - ўзини ҳукумат томонидаги сиёсий партиялар уюшмасининг етакчиси деб эълон қилди. "Перу-2000" деб номланувчи ушбу альянс яқинда Миллий сайлов трибунали томонидан рўйхатга олинди. Унинг таркибига тўртта партия киритилган. Жумладан, Фухимори тузган "Ўзгарш-90" партияси ҳам. Журналистларнинг саволларига жавобан, президент альянс таркибидagi партиялар ҳукумат сиёсатини тўла қўллаб-қувватлашини ва шу боис ҳам ўзини уларнинг етакчиси, деб эълон қилганини айтди.

Аҳоли ўртасида ўтказилган сўровлардан Фухиморига овоз бериш истагини билдираётганлар анча экани маълум бўлди. Президент учун бу катта имконият. Унинг сайловчилардан кўнгли тўқ. Бироқ, бу билан иш битмайди. Мушкуллик қонуний омишларга бориб тақалмоқда. А.Фухимори 1990 йилдан буён мамлакатни бошқариб келади. У икки марта сайловда иштирок этган ва галаба қозонган. Хўш, у 2000 йил 9 апрел куни бўладиган галдаги сайловда ўз номзодини қўйишга ҳақлими? Мамлакат конституцияси кетма-кет учинчи бор сайловда иштирок этишга йўл қўядими?

Мухолиф партиялар курашини шу масала устига қурапти. Мамлакат конституциясининг 122-моддасига кўра, А.Фухиморининг учинчи бор сайловда иштирок этишга ҳаққи йўқ, демоқда улар. Ҳатто, жамоатчилик ўртасида А.Фухиморининг 1995 йилда испан журналистлари билан учрашувини ёзиб олинган видеотасма нусхалари тарқатилди. Уша учрашувда президентга учинчи бор сайловда иштирок этиш-этимаслиги тўғрисида савол берилган. Фухимори эса, Перу конституциясига би-

то Фухиморидан бошқа шахс йўқ. Шундай экан, вазият мухолиф партиялардан бир ёқдан бош чиқариб иш кўриш ва бирлашишни талаб этади, дейди Х.Кансеко. Мухолифат вакиллари мабодо А.Фухимори чиндан ҳам ўз номзодини қўйса, Перу ёпиқ давлатга айланиб қолади, давлатнинг ҳуқуқий асослари дарз кетади, бундай сайлов жараёни олдий кўзбўямачилиқдан бошқа нарса бўлмайди, демоқда.

Жамоатчилик фикрини ўрганиш хизмати бошлиғи Мануэль Сааведра эса, президент бошчилигидаги альянс тайин бир самара бериши қийин, перуликлар турли сиёсий ҳаракатларга эмас, Фухиморининг ўзига кўпроқ ишонди, деди. Мамлакат аҳолисининг 49 фоизи Фухимори фаолияти ҳақида ижобий фикрда. Агар у бу галги сайловда иштирок этса, унга 38 фоиз сайловчи овоз бериши мумкин. Аҳолининг ярми сайловда Фухиморининг номзоди қўйилишига қарши. 46 фоизи эса буни маъқуллайди.

Масаланинг қонуний жиҳатига қайтсак. Таъкидланганидек, Алберто Фухимори 1990 йилда президент этиб сайланган. Икки йил ўтиб, у янги конституция жорий этди. Конституциявий ассамблея янги Асосий қонунни қайта ишлаб, 1993 йилда тасдиқлади. А.Фухимори янги конституция доирасида икки йил фаолият кўрсатди ва 1995 йилда яна президент лавозимини қўлга киритди. 1997 йилда эса мамлакат конгресси "Конституциянинг ҳақиқий талқини ҳақида" қонун қабул қилди. Унга кўра, А.Фухимори 2000 йилги сайловда ўз номзодини қўйишга ҳақлидир. Негаки, янги конституция бўйича у ҳали бир марта сайланган.

**Файрат САЙДУЛЛАЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси

ҳаракати куннинг иккинчи ярмида шаҳар бозорларининг бирида амалга оширилган.

Сўнгги икки ойда Ҳайдарободда бу каби жиноят етти марта содир этилди. Ҳозирда тегишли органлар мазкур жиноятлар устидан қидирув олиб бормоқда. Бироқ, ҳалигача биронта террорчининг изи топилгани йўқ.

Л О Н Д О Н. Буюк Британия ҳукумати Африкада демократиянинг қарор топиши ва қитъа иқтисодиёти янгилашини қўллаб-қувватлайди. Африка мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Буюк Британия давлат ташқи ишлар вазири Питер Хейн бу ҳақда баёнот бериб, яқинда Кот-д'Ивуарда юз берган тунтаришга ўхшаган нохуш воқеаларни кескин қоралашини таъкидлади. Шунингдек, у расмий Лондон Африканинг коррупция тобора илдиз отаётган ёки иқтисодий ислохотлар тўғри амалга оширилмаётган давлатларига ёрдам бермаслигини маълум қилди.

П.Хейн мазкур ташриф доирасида Нигер, Сьерра-Леоне ва Ганада бўлиб, ушбу мамлакатларда сиёсий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишди.

**Х Е Л Ъ С И Н К И.** Сўнгги кунларда словакиялик лўлиларнинг Европа давлатлари, хусусан, Финляндияга ўтиши борган сари кўпаймоқда. Шу сабаб, Финляндия ички ишлар вазири Кари Хякямиеес Словакия фуқаролари учун яна виза тартибини жорий этиш таклифини кўтариб чиқди. Ўтган йилнинг ёзида ҳам, бир ҳафта ичида словакиялик мингдан ортик лўлининг мамлакатга кириши ва бошпана сўраши туфайли тўрт ой муддатга виза тартиби жорий қилинган эди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, лўлиларнинг бошқа давлатга ўтишига уринишига Словакиядаги иқтисодий қийинчиликлар сабаб бўлаётган ва уларга қочкин сифатида қараш нотўғридир.


Қ О Х И Р А. Исроил Иордан дарёси фарбий қирғоғи ҳудудининг маълум қисмини фаластинликлар ихтиёрига топширди. Ўтган куни Исроил ҳарбийлари Наблус шаҳри яқинидаги ҳарбий база ва Женин шаҳридаги учта ҳарбий лагерни тарқ этган. Шунингдек, улар фаластинликларнинг икки қишлоғини бир-бирига боғловчи олти километрлик йўлни ҳам ўз қўшиқлари назоратида топширган.

Фаластин ва Исроил бир неча кун илгари бу борада ўзаро келишувга эришган эди. Ушанда Исроил томони фарбий қирғоқнинг беш фоиз ҳудудини яқин кунларда, яна 6,1 фоиз қисмини эса 20 январда Фаластин ихтиёрига беришга рози бўлган эди.

1. Шириннинг ёри.
2. Атрофи мустаҳкам қилиб ўралган шаҳар қопқаси.
3. Энг оддий транспорт.
4. Кўрсатиш белгиси.
5. Овропадаги футбол клуби.
6. Жанубий Амриқонинг жанубий-шарқидagi давлат.
7. Калака, масҳара.
8. Мевали дарахт.
9. Кунчиқар юрtdagi шаҳар.
10. Киноюлдузлари орзулаган мукофот.
11. Уюшган жиноий тўда.
12. Пардоз анжومي.
13. Жаллод амали.
14. Бразилияча рақс куйи.
15. Ёзувчи.
16. Овропадаги давлат пойтахти.
17. Ҳавои — ...
18. Қон сўрувчи ҳашарот.
19. Булут.
20. Уфқ чизигининг нисбатан пастдан юқорига ёки аксинча қисқариб кўриниши.
21. "Келинлар кўзгалони" фильмидаги "айғоқчи".
22. Ўзини бошқариш.
23. Ёзма мурожаат.
24. Шарқона якка кураш усули.
25. Ҳам радиоприёмник, ҳам сув ҳавзаси.
26. Умуман ғайрирасмий аскар.
27. Хорижий ахборот агентлиги.
28. Фаранг кинофильми "... фуқароси".
29. Кунчиқар юрtdagi шаҳар.
30. Таниқли актёр Фани Аъзамовнинг топиб олган "дунёси".
31. Хорижий сут маҳсулоти.
32. Кимсасиз, чекка жой.
33. Ўтмишдаги "судья".
34. Қозоғистондаги дарё.
35. ... Кобзон.

Тузувчи: Тожиали УМАРОВ

## БОШҚОҚЛАРГА



## ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 5 январь сонидa эълон қилинган бошқотирма жавоблари

**Бўйига:** 1. Банк. 2. Норвегия. 3. Азроил. 4. "Миконд". 5. Саводхон. 6. Авра. 7. Арча. 9. Қаср. 13. Аргентина. 14. Фагоцит. 15. Акси. 16. Изоҳ. 18. Обида. 20. Купон. 22. Касб. 23. Банда. 25. Дамас. 26. Сада. 28. Айри. 29. Ичак. 30. Атама. 31. Арра. 33. Азимут. 34. Раддия.

**Энига:** 1. Бонн. 2. Нева. 4. Марс. 5. Сона. 8. Занжи. 9. Киев. 10. Вагон. 11. Токио. 12. Олча. 14. Флорида. 17. Роҳиба. 19. Кнопка. 21. Хонанишин. 22. Карачи. 23. Бокс. 24. Алфавит. 26. Сағир. 27. Остона. 31. Айби. 32. Таннарх. 35. Идора. 36. Устки. 37. Яхмалак.



## ПОЛВОНЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Халқаро кураш Ассоциацияси, Республика Кураш миллий федерацияси ўзбек курашининг халқаро миқёсда тан олинганлигининг бир йиллиги муносабати билан мамлакатимизда "Кураш — менинг ифтихорим" шиори остида ўтказилган кураш ойлиги полвонлар юрти — Сурхондарёда кўпгина ёш ҳамда умидли спортчиларни кашф этди.

Мусобақанинг энг қизиқарли беллашувлари 5-6 январь кунлари Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳида бўлиб ўтди. Унда асосан кураш ойлигининг биринчи ва иккинчи босқичида ҳудудлараро мусобақаларда голиб чиққан жамоалар, шунингдек, ўз ваъналарига кўра биринчилиқни қўлга киритган курашчилар иштирок этишди.

Қизгин баҳслар остида ўтган мусобақада сариосиёлик полвонларнинг қўли баланд келди. Ака-ука Ёдгор ва Сулаймон Шералиевлар, Ҳамро Тилаков, Анвар Эгамбердиев, Қудрат Жабборов каби полвонларнинг саъй-ҳаракати туфайли Сариосиё терма жамоаси мусобақада голиблиқни қўлга киритди.

Шунингдек, Шўрчи тумани полвонлари иккинчи ҳамда Бойсун тумани курашчилари совринли учинчи ўринларни эгаллади.

Беллашувда муваффақиятли иштирок этган жамоа ва полвонларга ҳомийларнинг диплом қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Мусурмон ТИЛАКОВ,**  
Сурхондарё вилояти,  
"Туркистон-пресс"

## НИКОҲ, КИМГА МУҚАДДАС?

Америкалик социолог Теодор Гринштейн никоҳни бекор қилишга мойил бўлган касб эгалари рўйхатини тўзди. Эраклар ўртасида ёзувчилар, ресторани хўжайинлари, юк машиналари ҳайдовчилари, механиклар, рассомлар, қурувчилар ва ҳарбийлар никоҳда беқарор экан. Аёллар орасида эса ресторани ходимлари, сотувчилар, фабрика ходимлари, кўчмас мулк агентлари ва сартарошлар кўпроқ эр-хотин муносабатларини бекор қилиш ташаббускорлари бўлиши мумкин.

Дин пешволари оилани муқаддас ҳисоблар экан. Гринштейн турли мамлакатларда яшовчи 15.579 нафар киши ўртасида сўров ўтказганида уларнинг орасида бирорта ҳам хотинини талоқ қилган руҳонийни учратмади.

Сўровда электриклар, мактаб директорлари, фермерлар, компьютерчилар, суурта агентлари, ҳисобчилар, шахтёрлар оилапарвар инсонлар эканлиги маълум бўлди. Айниқса банк ва назоратчилик ҳақиқий оила бекалари ҳисобланаркан.

## ТЕЛЕФОНДА КИНО КЎРАСИЗ

"Сименс" компанияси қўл телефонининг янги учинчи авлодини яратди. Унинг соҳиблари сўзлашишдан ташқари Интернет тармоғига улашиб, ҳатто митти дисплейда рақамли кино кўриши ҳам мумкин. Бундай телефонлар билан суратга олиш камераси, ноутбук, органайзерга ҳам боғланиб, зарур юмушларингизни бажарсангиз бўлади.

Мутахассислар янги маҳсулот икки йилдан сўнг бутун дунёни эгаллаб олса керак, деган фикрда.

## ГАДОЙ МИЛЛИОНГА ЗОРМАС

Саксон уч ёшли Альма Фортини исмли италиялик аёл умри давомида тиланчилик қилиб ҳаёт кечирди. Яқинда унинг ҳаётида эртақлардагидек воқеа содир бўлди. Кампининг акаси қазо қилиб, ундан 20 миллион лира мерос қолди. Қизиги шундаки, ака ҳам гадойчилик билан умр кечирган эди.

Яна кутилмаган ҳодиса юз берди. Аёл меросни олишдан юз ўғирди. "Бу миллионларни деб кексайган чоғимда турмуш тарзимни ўзгартиришни хоҳламайман", деди у.

## Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

**ХАМАЛ.** Душанба ҳушқайфиятлик бағишлайди. Сешанбада кўнгили хордиқ чиқарасиз. Чоршанба кунини бойийсиз. Пайшанбада ҳамкорлар учрашуви. Жума кунини алданиб қолманг. Соғлиқ ҳақида жиддий ўйлаш кераклигини шанба эслатади. Муҳим ишларни яқшанбага қолдирманг.

**САВР.** Грипп деган бало душанбада ҳам сизни тинч қўймаслиги мумкин. Сешанба кунини асабини асранг. Молиявий аҳволингиз чоршанбада яхшиланади. Пайшанбадан кўнгироқ кутинг. Жумада кайфиятингиз о'кей. Дам олиш кунлари сизни сирли учрашувларга таклиф этади.

**ЖАВЗО.** Ҳафта бошида бироз тушқунликка тушасиз. Сешанба кунини



янги битимлар имзолайсиз. Чоршанбада бойишингиз мумкин. Пайшанба кунини сизни сўроқлашади. Жума шахсий ҳаётингизга янгилик олиб киради. Шанба кунини қувонасиз. Яқшанбада яхши дам олинг.

**САРАТОН.** Кўпдан кутган одамнингиз билан душанбада учрашасиз. Сешанба эса сизни янгиликдан воқиф этади. Чоршанба кунини хариддан кўнглингиз тўлади. Пайшанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Жума ва шанба кунлари муҳим ишларга қўл урманг. Яқшанбада зиддиятлардан нари юринг.

**АСАД.** Тижоратчилар учун омадли кун душанба. Сешанбада бойийсиз. Чоршанба кунини сизни сўроқлашади. Соғлиқ-кайфиятингиз пайшанбада унчалик яхши эмас. Жума кунини асабийлашманг. Ҳамкорлар билан учрашуви яқшанбага қолдиринг.

**СУНБУЛА.** Душанбадаги арзимас дилхиралikka эътибор берманг. Сешанба кунини қувонасиз. Чоршанбада ҳамёнингиз тўлади. Пайшанба кунини узокдагилар билан кўнгироқлашасиз. Дам олиш учун жумани танланг. Дам олиш кунлари зиддиятлардан нари юргангиз маъқул.

**МЕЗОН.** Душанбада ишлар о'кей. Сешанба кунини асабини асранг. Чоршанбада умидларингиз рўёбга чиқади. Пайшанба кунини муҳим ишларга қўл урманг. Жумада соғлигингизни ўйланг. Шанба кунини эса кўнгилли хордиқ чиқарасиз. Яқшанбада сирли учрашув.

**АҚРАБ.** Чарчоқларингизни душанбада унутасиз. Сешанба кунини бой бўласиз. Чоршанбада яқинингизни кутинг. Соғлигингиз пайшанбада безовта қилади. Жума кунини сизни сўроқлашади. Шанбада асабийлашманг. Яқшанба кунини ишларингиз юришади.

**ҚАВС.** Ҳафта бошида янгилик эшитасиз. Сешанба молиявий аҳволингизни яхшилайди. Чоршанбада ҳамкорлар учрашуви. Пайшанбадаги бозор бароридан келади. Жума ва шанба кунлари соғлигингиз учун қайғуринг. Яқшанбада алданиб қолманг.

**ЖАДЙ.** Душанбада муҳим битимлар имзоланади. Сешанба, жума ва яқшанба кунлари соғлиқ-кайфиятингиз ёмон. Чоршанбада ҳамёнингиз тўлади. Пайшанба кунини сизни алдаб кетишга уринишади. Шанбада севгилингизни кутинг.

**ДАЛВ.** Молиявий аҳволингизни душанба ва сешанбада яхшилаб оласиз. Чоршанба кунини янгилик эшитасиз. Пайшанбада ишлар о'кей. Жума кунини дам олинг. Шанба сизни учрашувга таклиф этади. Фақат яқшанбада соғлиқ муаммолари...

**ХУТ.** Душанба кунини харидингиздан кўнглингиз тўлади. Сешанбада зиддиятлардан нари юринг. Чоршанба кунини бойийсиз. Пайшанба омадли кун. Шанбада соғлигингизни ўйланг. Яқшанба кунини молиявий қийинчиликлар барҳам топади.

## ЎТ БИЛАН ЎЙНАШМАНГ

Қорақўл тумани Ғалаба қишлоғида яшовчи Ғ.Жабборов чой қайнатиш мақсадида чойнакни сувга тўлдириб газ плитасига қўяди. Сув қайнаб тошади-да оловни ўчиради. Ҳаёл билан бўлиб газ ҳидини сезмаган Ғ.Жабборов газ плитасидан қайтадан фойдаланиш мақсадида гугурт ёқиши вақтида ўт чақнаб кетиб, оқибатда юзи ва иккала қўли куйган.

Поп тумани Чортоқ қишлоғида яшовчи А.Маъраҳимова хонадонидан катталар назоратидан четда қолган ёш болаларнинг гугурт ўйнашлари натижасида ёнғин содир бўлиб, молхона ва 20 боғ ҳашак ёниб кетган. Ёнғин вақтида уй эгасининг набираси 1997 йилда тутилган Холдоржонов Юсуфжоннинг юзи, қўллари ва оёқлари куйиб, касалхонага ётқизилган.

Нуробод тумани Шўрбод қишлоғида яшовчи Н.Штефан сигарета чеккан ҳолда ухлаб қолади. Оқибатда пахтали шими ёниб, иккала оёғи куйган.

Самарқанд тумани Кўтарма қишлоғида яшовчи О.Узоқовнинг хонадонидан содир бўлган ёнғинда унинг томи ёниб, олов қўшниси У.Турсуновнинг уйига ўтган. Бу камлик қилгандай ёнғин яна бир қўшни — Б.Зияевнинг уйига ҳам ўтиб, унинг томи ва ҳовлида турган УАЗ—452 русумли автомашинаси ёндириб юборган.

Андижон шаҳар Шохруҳ Мирзо кўчасида жойлашган 20-уйда истиқомат қиладиган Гули Рустамовалар хонадонидан газ плитасининг ёқилган ҳолатда назоратсиз қолдирилиши ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Натижада унинг шифти, томи ва жиҳозлар ёниб, қўшни Б.Мамадалиевлар уйига ўтиб, қўшнилари орасига ҳам ўт солди.

Богод тумани Йўлдошбод қишлоғида яшовчи А.Ўлмасовнинг маст ҳолда сигарета чекиб, ухлаб қолиши натижасида тутундан димиқиб қолган. У туман шифохонасида вафот этди.

Пахтабод шаҳар А.Темур кўчасидаги 12-уйда яшовчи М.Кенжаев хонадонидан электр симининг қисқа туташувидан ёнғин содир бўлиб, унинг поли ва рўзгор буюмлари ёниб кетган. Ачинарлиси, ёнғинни ўчириш вақтида уй эгаси Мамадали бобо тутундан димиқиб ҳалок бўлган.

**Ф. БОБОХЎЖАЕВ**

## ДМҚ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДА ГИ ЕР УЧАСТКАЛАРИ ВА ТУРАР ЖОЙЛАРИНИ ХУСУС СИЙЛАШТИРИШ ХУЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАРКАЗИ

1999 йил 29 декабрда "Туркистон" ва 30 декабрда "Коммерческий вестник" газеталарида эълон қилинган ким ошди савдолари ўтказиладиган саналар 2000 йилнинг 21 январидан—20 январига кўчирилганини маълум қилади.

## ХОЗРАСЧЕТНЫЙ ЦЕНТР ПО ПРИВАТИЗАЦИИ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ И ЖИЛЬЯ ПРИ УГКИ ПО Г. ТАШКЕНТУ

Сообщает о переносе даты проведения аукционных торгов, объявленных через газеты "Туркистон" — 29.12.99г. и "Коммерческий вестник" — 30.12.99г., с 21 января на 20 января 2000 года.

### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

### Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Назокат УСМОНОВА



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Маъбулчилар кўчаси, 32—уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.